

АБДУЛЛОҲ СУБАЗМУНИЙ ВА УНИНГ МЕРОСИ

Мовароуннаҳрда ҳадис илми IX асрларда юксак даражада ривож топди. Ҳадисларни тўплаш, уларнинг ишончлисини заифларидан ажратиш, ҳанафий мазҳаби йўналиши нуктаи назаридан ҳадис илмини ривожлантириш соҳасида юзлаб олимлар самарали фаолият олиб борди. Натижада ислом дунёсининг бошқа минтақаларидан фарқли равишда диёримизда мустақил ҳадис марказлари шаклланди. Минтақамизда ҳадис илмининг шаклланиши, тараққий қилишига улкан ҳисса қўшган олимлар қаторида муҳаддис ва фақиҳ Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Ҳорис ибн Халил Устоз Имом Ҳофиз Фақиҳ Субазмунӣ Ҳорисий Калобозий (258340/872952) алоҳида ва ўзига хос ўринни эгаллайди.

Манбаларда имом Субазмунӣнинг ҳаёти ва илмий-маънавий меросига оид маълумотлар жуда кам. Абу Ҳафс Насафий (ваф. 537 х./1142 й.), Абдулкарим Самъоний (ваф. 562 х./1167 й.), Абдулқодир Қураший (ваф. 775 х./1373 й.), Абдулҳай Лакнавий (ваф. 1304 х./1887 й.), Ибн Қутлубғо (ваф. 879 х./1475 й.), Ҳожи Халифа (ваф. 1017 х./1609 й.), Абдулҳай ибн Имом Ҳанбалӣ (ваф. 1089 х./1679 й.) каби олимларнинг асарларида имом Абдуллоҳ Субазмунӣ, унинг мероси ҳақида қисқача маълумотлар берилган ҳолос. Шунингдек, Имом Абу Ҳанифанинг баъзи маноқиби¹ ва муснад²ларига бағишлаб ёзилган қатор асарларда ҳам Имом Субазмунӣ ва унинг илмий фаолиятига оид айрим маълумотлар учрайди.

Олим Бухоро яқинидаги Субазмун қишлоғида таваллуд топган. Нажмиддийн Умар Насафий (ваф. 537 х./1142 й.) ўзининг «ал-Қанд фи зикри уламои Самарқанд» асарида Субазмунӣ 258 (мил. 872) йили раби ал-охир чоршанба куни таваллуд топган, деб ёзган.

Имом Субазмунӣ насаби алломанинг туғилган жойига нисбатан ишлатилган. Субазмун номи манбаларда турлича масалан, Субазйун, Сабазмун, Сабзамун тарзида ҳам учрайди. Алломага деярли замондош олим Абдулкарим Самъонийнинг «ал-Ансоб» асарида ҳам ушбу жой Субазмун деб аталган. Бундан ташқари, «Мозороти Бухоро» («Бухоро мазорлари») асарида ҳам жой номи Субазмун деб келтирилган. XIV ва XVI аср вақф ҳужжатларида ушбу қишлоқнинг номи Сапидмун ва Сафидмун шаклида қайд этилган.

1 Маноқиби фазилятлар маъносида ишлатилиб, бунда бирор улуг зотнинг фазл ва мартабасини мактаб, таъриф-таъсиф қилиш тушунилади. Адабиётларда шу ҳақдаги рисола ёки асарга нисбатан ишлатилади.

2 Муснад араб тилида асосланган, таянч, далилланган, яъни иснодга асосланган маъноларни билдиради. Истилоҳда эса – 1. Исноди муттасил равишда ўз ниҳоясига етган ҳадис, яъни санади билан ривоят қилинган ҳадис. 2. Санад, иснод сўзларининг синоними. 3. Ҳадис тўпламларининг тури. Бу ўринда Имом Абу Ҳанифадан ривоят қилиниб ёзилган китоблар назарда тутилмоқда.

Бухоронинг Арабон даҳасида эса хонақо услубидаги масжид бўлиб, у суфийлар зикр тушадиган жой ҳисобланган. Ҳозиргача сақланган мазкур масжидни Имом Абдуллоҳ Субазмуний қурдирган ва у «Абдулло Сафедмўйи масжид»и номи билан юритилиб келинмоқда. Шунингдек, Бухоро шаҳрининг 6-кичик даҳасида «Ҳожа Абдулло Сафедмўйи» номли мазор ҳам бор.

Абдуллоҳ Субазмуний ёшлигидан тиришқоклиги, илмга қизиқиши, ўша даврнинг кўпгина илмларини эгаллашида намоён бўлган ҳамда унинг ҳанафий фақиҳи, муҳаддиси, шу билан биргаликда тилшунос олим бўлиб етишида катта аҳамият касб этган. У ўз даврида саройда фикҳий масалалар билан машғул бўлиб, улар хусусида турли ҳукм ва фатволар чиқарган. Сарой аҳли ундан доимий равишда маслаҳатлар олган ва унда бирор марта ҳам хато учрамагани учун унга «Устоз» тахаллусини берганлар. У кўплаб ҳадислар биладиган катта шайх бўлган. Илм-фанга ташна фақиҳ она юртидан узоқ мамлакатларга, хусусан, Хуросон, Ироқ ва Ҳижоз юртларига кўплаб саёҳат қилганидан «ал-Жаввол» (жаҳонгашта, саёҳатчи) лақабини ҳам олган.

Имом Субазмуний ўзининг илмий сафарлари давомида Мовароуннаҳрдан то Мисргача бўлган масофани босиб ўтган. Сафар қилган шаҳарларидаги олимлардан сабоқ олиб, илмий баҳс ва мунозараларда иштирок этган. Буларнинг ҳаммаси Субазмунийнинг йирик олим бўлиб етишиши учун мустаҳкам замин тайёрлаган.

Имом Субазмуний 340 ҳ./952 йили шаввол ойининг 5-жума (4 март) кунида вафот этган. Унинг қабри ўзи туғилиб ўсган Субазмун қишлоғида жойлашган.

Абдуллоҳ Субазмуний нафақат муҳаддис, балки фавқулудда салоҳиятга эга фақиҳ ҳам бўлган. Машҳур муҳаддис Валиййуллоҳ Дехлавийнинг (1703-1762) «Шамсул аймма Ҳилвоний пешқадам олимлардан бўлиб, таржих аҳлидан (ҳукмларни ҳеч кимга таянмасдан чиқарувчи киши) эди. Шунингдек, Абу Али Насафий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Фадл ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Субазмунийларнинг

барчалари «асҳоб ал-вужух» («эътиборли кишилар») тоифасидан бўлиб, ҳанафий фақиҳлари доимо уларга таяниб иш кўрардилар», деган фикрни айтган.

Мавжуд манбалардаги маълумотларнинг камлиги Абдуллоҳ Субазмунийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти фикр доираси, дунёқараши, хорижий юртларга сафарлари, бошқа олимлар билан бўлган баҳсу мунозаралари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Субазмунийнинг тасаввуфга бўлган муносабати, калом илмига доир фаолияти, тафсир борасида амалга оширган ишлари ҳақида фақат унинг ўзига мансуб асарлардан айрим маълумотларни олиш мумкин, холос. Аммо ислом дини таълимотида фақиҳларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, у тафсир, ақида ва бошқа исломий илмлардан етарли даражада воқиф бўлиб, маҳаллий урф-одатларни ҳам яхши билгани ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Имом Субазмуний ўзининг саксон икки йиллик умри давомида ислом илмларининг турли соҳаларида, айниқса, ҳадис ва фикҳ илмларида самарали ижод қилгани ва фаолият олиб боргани учун муҳаддис ҳамда фақиҳ бўлиб танилишига ҳисса қўшган.

Абдуллоҳ Субазмунийга замондош бўлган, у билан ҳадис, фикҳ ва бошқа соҳаларга доир масалаларда суҳбат ва мунозаралар олиб борган ҳамда унинг улуг муҳаддис сифатида шаклланишига муайян ҳисса қўшган олимлар ҳақидаги мавжуд маълумотлар олим сиймосини бир қадар тасаввур қилиш имконини беради. Шу билан бирга, устозлари ҳақидаги маълумотлар олимнинг ҳадис ривоятидаги ўрнини аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этиш лозим.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг устозлари ҳақида маълумотни «Кашф ал-осор» асарида олиш мумкин бўлиб, унда ёзилишича, аллома уч юз йигирмата ровий-устози (*шайх*)дан ҳадис эшитган.

«Кашф ал-осор»га таяниб айтилса, олим бошланғич билимни ўз отасидан олган бўлиб, унинг исми Муҳаммад ибн Яқуб ибн Ҳорис, амакиси ҳам ҳадис ровийларидан бўлиб исми

Жаброил ибн Якуб ибн Ҳорисдир. Шунингдек, Имом Субазмунийнинг устозларидан яна бири Абу Абдурахмон Абдуллох Шайбоний Бухорий (ваф. 307 х./919 й.), Абу Ҳафс Аҳмад Сикижксий Бухорий (ваф. 315 х./927 й.).

Манбаларда келтирилишича, Субазмунийдан ҳадис ва фикҳдан таълим олган олимлар кўп бўлиб, улар орасида Абу Бакр Муҳаммад ибн Фадл Каморий (301 х./913 й. 381 х./991 й.) энг машҳури бўлган. Лакнавийнинг «ал-Фавоид» асарида Ибн Фадлнинг шогирдлари иснодини келтиради. Бу иснодлар маҳаллий фақиҳларгача етиб бориб, улардан Бурҳониддин Марғинович (ваф. 593 х./1197 й.), Алоуддин Самарқандий (ваф. 552 х./1157 й.) каби алломаларни санаб ўтиш мумкин. Бундан Мовароуннаҳрда ҳанафий фикҳий мактабига асос бўлган Абу Ҳафс Кабир ва Сағирлар қарашлари Субазмуний ва ундан сўнг шогирди Муҳаммад ибн Фадл орқали кенг ривожлантирилган, деган хулоса келиб чиқади.

Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Али ибн Рустам ибн Жакра ибн Мофтам ибн Жанинам Калобозий Ҳофиз (ваф. 398 х./1008 й.), Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Али ибн Рустам ибн Жакра ибн Мофтам ибн Жанинам Калобозий Ҳофиз (ваф. 398 х./1008 й.), Абу Қосим Убайдуллох ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Қодий Бухорий Калобозий ва бошқа шу каби олимлар Субазмунийдан таълим олганлар.

Манбаларда Абдуллох Субазмунийнинг бир неча асарлар муаллифи (лаҳу тасониф) экани қайд этилган. Бироқ, бизга унинг икки асари маълум. Бири «Муснад Аби Ҳанифа» ёки қисқача қилиб «Муснад», иккинчиси «Кашф ал-осор фи маноқиб Аби Ҳанифа», бу асар қисқача «Кашф ал-осор» деб юритилади. Бироқ «Муснад Аби Ҳанифа»нинг Ўзбекистондаги нусхалари ҳақида маълумот мавжуд эмас. Аммо «Муснад»нинг бир неча қўлёзмаси Туркиянинг Салимоға, Тубқубусарой ва Файзулла афанди кутубхоналарида сақланмоқда. Бу асар Абу Ҳанифага нисбат берилган ўн беш муснаддан бири ҳисобланади.

Абдуллох Субазмунийнинг мазкур «Муснад» асари кейинчалик бошқа ҳанафий

муҳаддислари томонидан қайта ишланган. Улардан бири Мусо ибн Закарийо Хаскафий Қози Садруддиндир (ваф. 650 х./1252 й.). У Устознинг асарини мухтасар ҳолатга келтирган. Бу асарнинг қўлёзмаси ал-Азҳар университети кутубхонасида «311832» рақами остида (176 варақдан иборат) сақланиб, асар «Ҳофиз Абу Муҳаммад ал-Ҳорисий муснади», деб аталган. Бу асарни Абу Муҳаммад Асютий тадқиқ қилиб, хатоларини тўғрилаган ва ҳадисларининг манбасини келтириб 2008 йилда Байрутдаги «Дор ал-кутуб ал-илмийя»да нашр қилдирган.

Хаскафийдан сўнг, унинг китобини шайх Муҳаммад Обид ибн Аҳмад Синди Мадиний (ваф. 1257 х./1839 й.) фикҳий масалалар тартибига кўра жойлаштирган. Бундан кўзланган мақсад Абу Ҳанифанинг устозларини билмаган толиби илм ундан ҳадисларни топиши қийин бўлган, шу боис ундан осонлик билан фойдаланиш учун фикҳий тартибда жойлаштириб чиққан. Асарда беш юздан ортиқ ҳадис ўрин олган бўлиб, у «ас-Синдий муснади» номи билан юритилади. Бу асарга Али Қорий томонидан ёзилган шарҳ Ҳиндистонда 1312 х./1894 йили ал-Ҳаравий томонидан нашр қилинган. Шунингдек, Синдининг ўзи асарга «ал-Маваҳиб ал-латифа фи-л-ҳарам ал-макки би шарҳ Муснад ал-имом ал-Хаскафий» номи билан шарҳ ҳам ёзган. Муснадлар орасидаги энг катта шарҳ эҳтимол шу бўлиши мумкин. Шунингдек, Муҳаммад Ҳасан Сунбуҳалий (ваф. 1305 х./1887 й.) Синдининг асарини «Тансиқ ан-низом бишарҳ Муснад ал-имом» номи билан шарҳлаган ва унинг муқаддима қисмида асардаги ровийлар ҳақида қимматли маълумотлар келтирган.

Иккинчи олим Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Масъуд Жамолуддин Қунавий Димашкий (ваф. 771 х./1369 й.) ҳам Абдуллох Субазмунийнинг асарини мухтасар қилиб, уни «ал-Муътаmid мухтасар ал-Муснад» («Муснаднинг мухтасарига таянч») деб номлаган. У асарни фикҳий масалалар тартибига кўра ўттиз уч бобга бўлиб чиққан. Сўнгра уни «ал-Мустанид шарҳ ал-Муътаmid» номи билан шарҳлаган. Мавриди келганда айтиш керакки, бу олим

тафсир, калом, фикҳ ва бошқа соҳаларда ҳам қалам тебратган серқирра фаолият соҳибидир.

Учинчи олим эса, Зайнуддин Қосим ибн Қутлубуғо (ваф. 879 х./1474 й.) бўлиб, у ҳам Ҳорисийнинг асарини Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Хусрав Балхий (ваф. 576 х./1183 й.) орқали бобларга бўлган ҳолда ривоят қилган ва у «Ибн Қутлубуғо Муснади» деб юритилади.

Агар Хаскафийнинг мухтасарида ҳадислар бир неча бор такрор келган бўлса, бир ҳадис келтирилиб, қолганларида исноднинг ўзи зикр қилинади ва бу билан бошқалар ҳам бу ҳадисни нақл қилганини билдиради. Мухтасар қилинган жойда «Қола Абу Муҳаммад...» (Абу Муҳаммад деди...) деб таъкидланган ўринлар кўп учрайдики, булар орқали Субазмуний келтирган иснодларнинг ўрнини кўриш мумкин.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Муснад» асари бошқа олимлар томонидан қайта ишлаб чиқилгани муҳим бир ҳолдир. Афсуски, юқорида зикр этилган манбалардан, Хаскафийнинг асаригина бизга етиб келган. Лекин шундай бўлган тақдирда ҳам Хаскафийнинг мухтасарига «шарҳ» битилганини мамнуният билан қайд этиш лозим. Юқорида келтирилган маълумотлардан Абдуллоҳ Субазмунийнинг асари устида олиб борилган ишлар кўлами нақадар кенг экани маълум бўлмоқдаки, бундан Субазмунийнинг «Муснад»ини бизнинг олимларимиз томонидан тадқиқ қилиниши муҳимлиги келиб чиқади. Айниқса, Синди асаридаги ровийларни чуқур ўрганиш юртимиздан етишиб чиққан барча ҳанафий муҳаддисларни тўлиқ равишда аниқлаш имконини беради.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг иккинчи йирик асари «Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа»дир. Унда ҳанафий ровийлар, шу мазҳабда ҳужжат сифатида истифода этиладиган ҳадислар, Имом Абу Ҳанифа манокibi ва турли олимлар томонидан айtilган фатволар жамланган. Мазкур манба, ҳанузгача ҳатто нашр қилинмаган ва тизимли ўрганилмаган эди. Асарни илмий асосда чуқур тадқиқ қилиш, умуман, юртимиздаги илм-фан тарихи, айниқса, Бухородаги ҳадис илмини ёритишда, бу шаҳарда яшаган кўплаб олимлар

ва ҳанафийлик таълимоти билан боғлиқ бўлган фақиҳ ва муҳаддислар фаолиятини ўрганишда беқиёс аҳамият касб этади. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ҳозирги маълумотларга кўра, «Кашф ал-осор» асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида 3105-рақами остида сақланаётган XIII аср ўрталарига мансуб қўлғезмаси, юртимиздаги ягона нусхаси ҳисобланади.

Абдуллоҳ Субазмунийнинг «Кашф ал-осор» асари ҳақида жуда қисқа маълумот Ҳожий Халифанинг «Кашф аз-зунун» асарида ҳам келтирилган бўлиб, унда китоб «ал-осор аш-шарийфа» («шарафли Осор») деб таърифланган.

Имом Субазмунийнинг мазкур асарни ёзишдан мақсади, Имом Абу Ҳанифага нисбатан айtilган «саҳиҳ ҳадисларни яхши билмайди», қабилидаги ва бошқа шунга ўхшаш турли тухматларга «радия» беришдан иборат бўлган.

Абдуллоҳ Субазмуний «Кашф ал-осор» асарининг асосий манбаси ровийлардан эшитилган ривоятлар ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда асардаги ривоятларни қуйидаги мавзуларга бўлиш мумкин: Пайғамбар ҳадислари ва саҳобийларнинг сўзлари; тобеъийлар ва улардан кейинги Имом Субазмунийгача бўлган турли табақадаги ровийларнинг фатволари; имом Абу Ҳанифа ва устозлари ҳамда шогирдларининг манокиблари; бухоролик 13 ровийлар биографияси.

Асарда тўрт мингга яқин ривоятлар учрайди. Уларнинг аксарияти ҳадислар, манокиб ва фатволардир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, «Кашф ал-осор» асари ўз ҳажми, ривоятларнинг бойлиги ва услубига кўра, минтақамизда, умуман, ҳанафий мазҳабида ўзидан аввал ҳадислар билан жамланган манокиблар соҳасида яратилган қимматли асарлардан биридир. Мустақиллий даврида бу асар Тошкент ислом университетида (ҳозирга Ўзбекистон халқаро ислом академиясида) ўрганилди, тадқиқотларга жалб этилди ва ниҳоят илмий муомалага киритилди.